O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

УЙҒОНИШ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ — НАВРЎЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2007-yil, 21-mart, chorshanba, 11-12 (394-395)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутадиган Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда.

Мана шу уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи – Наврўз айёми билан сиз, азизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий меҳрим, ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, қизғин олқишлар билан уларга ўз ҳурматимизни билдирамиз.

Биз билан ҳамнафас бўлиб яшаётган узоқ-яқин қўшни мамлакатларнинг халқларига, хорижий ҳамкор ва дўстларимизга эл-юртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йўллаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, энг қадимий, илдизлари олис "Авесто" замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ёнатрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади.

Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шижоат кириши табиийдир.

Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунини қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу қутлуғ яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаётган одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳисси пайдо бўлади.

Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади.

Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иқлим охирги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Халқимизда "Яхши одам – кўзидан, яхши йил – Наврўзидан маълум" деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кексаю ёш — барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаётгани бунинг яққол дараги ва тасдиғи бўлғай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз – Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши томонидан "Сиз қонунни биласизми?" мавзуида танлов ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Қўқон шаҳар кенгаши томонидан "Хотин-қизларнинг жамиятни бошқаришдаги фаоллигини ошириш" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан "Оила — жамият таянчи" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилояти Балиқчи туман кенгаши томонидан "Келажакка спорт билан" мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Ғиждувон туман кенгаши ташаббуси билан "Дин ва замон" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Норин туман кенгаши томонидан "Миллий қадриятлар" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Китобга ошно, илмга ташна" мавзуида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Денов туман кенгаши томонидан "Маънавий-маърифий ишлар ва давр талаби" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Миришкор туман кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекистоннинг бугунги равнақи ва келажаги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан "Таълим самарадорлиги — миллий тараққиёт гарови" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Ассалом, Янги кун

Боғлар ичи нурга тўлди. Новдаларга оқ бодроқдек сочилган ғунчалар қизалоқларнинг сочига безак бўлди. Тупроқни ёриб, яшашга чоғланаётган майсалар, анҳор четларидаги митти чучмомалар, дарахтларда тизилишиб хониш қилаётган қушлар, ҳамма-ҳаммаси гўё Наврўзни қаршилаб бир-биридан суюнчи олаётгандай! Ироқи дўпписи ўзига ярашган бир қиз кўнглидан кечганларни қўшиққа солиб хиргойи қилади:

ҲАР КЎНГИЛ ШОДЛИК ИСТАР...

Том устида қизғалдоқ,
Кўйлаги ловуллайди.
Қирга чиқсанг,
бойчечак
Мени ол, деб
имлайди.
Ариқ бўйида ялпиз —
Нафасида қўшиқ бор.
Ҳар ёнда анвойи ис,
Мунча сулувсан,
баҳор!

Беихтиёр болаликдаги воқеалар ёдимга тушади. Қишлоғимизда Гулсанам исмли қиз бор эди. Янги рўмолини ёки тақинчоғини кўриб қай биримиз ҳавасларсак, дарров ечиб қўлимизга тутқазар, "Бу энди сеники бўлди", — дерди. Гоҳида эса туни билан ухламай ранг-баранг мунчоқларни ипларга тизар, эртасига синфдаги барча қизларга тақсимлаб берарди. "Ўзингга биттаям қолмади-ку", — дер эдик биз. "Сизларга ёқса бас, агар керак бўлса янаям чиройлироқларини тизиб бераман", — дерди. Шу қиз биз қувонсак ўзиям қувонарди. Очиғи, ўзгаларнинг севинганини кўриш унинг бирдан бир истаги эди. Ҳайрон бўлардик. "Ўзига атаб олган нарсасини дарров бировга совға қилгани нимаси? Туни билан ухламай бировлар учун мунчоқ тизиши шартмикин? Нега бундай қилади-а?», — деб ўйлардик.

— Гулсанамнинг момоси Чечак кампир ҳар кўкламда етти марта сумалак пиширib эл-юртга тарқатарди. Қаерда етим болани кўрса уйига обкелиб парваришларди. Бир умр одамларнинг ҳожатини чиқариб яшаган, ўзи ҳам жуда саховатли эди, — дерди кексалар.

Қишлоқнинг полвони Садриддинни ҳам кўп эслайман. У ҳар кураш тушганида рақибини енгар, қариялар "баракалла, сен ўзимизнинг полвонимизсан", дея уни бир белбоғ пул билан сийлашарди. Садриддин эса тугунни шу даврадаёқ ечиб, пулларни томошага келган ғарибу ғураболарга тарқатарди. Буни кўрган кексалар уни алқашса, ёш-яланглар "шунча пулга омонатгина пахса уйини пишиқ ғиштдан қуриб олса бўларди-ку", дея ажабланишарди. Кейинчалик эшитсак, Садриддиннинг ота-боболари ҳам полвон ўтган, уларнинг бариси камбағалпарвар, мурувватли бўлишган экан!

Йиллар ўтиб, улғайганим сайин мен Гулсанамга ўхшаган қизларни, унинг момосига ўхшаш аёлларни кўп учратдим. Садриддин каби йигитларнинг, унинг бобосидек мард одамларнинг ўзгаларга мурувватини кўриб қувондим. Шундай кезларда "инсонларга яхшилик соғиниб яшаш бизга боболардан, момолардан ўтган улуғ фазилат", деб ўйлардим. Аслида ҳам шундай. Мана, Наврўзнинг урф-одатларини кўринг, ҳар бирининг замирида инсонпарварлик ва саховатпешалик бўй кўрсатиб туради. Айём кунларида дошқозонларда сумалаклар қайнатилади. Пишганидан сўнг идишларга сузилиб, дастлаб дардманд беморлар, камқувват кексаларга улашилади. Қишдан ҳориган вужудларга қайта куч ато этади бу таом! Бир-бирларига гинакудурат сақлаб юрганлар Наврўз арафасида яраша-дилар. "Байрамни очиққўнгиллик билан кутиб олиш керак", — дейди кексалар. Хонадонларда пиширилган тансиқ таомлар косаларга солиниб, қўни-қўшнилар йўқланади. Девор оша узатилган "қўшни оши" кўнгилларни бир-бирига яқинлаштириб, ўртадаги ришталарни янада маҳкамроқ боғлайди. Айни Наврўз кунларида бундай йўқловлар қизғин тус олади. Қишлоқ ва маҳаллалардаги кўмакка муҳтож одамлар, боқувчисини йўқотган хонадонларга, айниқса, кўпроқ эътибор қаратилади. Айём кунларида катта ҳашар уюштирилиб, боғ-роғлар барпо этилади, қабристонлар обод қилинади, боғча ва мактаблар таъмирланади, кам даромадли хонадонларда чала қолдирилган юмушлар поёнига етказилади. Ахир кўнгли ўксик кишиларга яхши сўз айтиш, беминнат ёрдам қилиш қанчалар улуғ савоб!



Айтишларича, бир киши айём кунларида Ҳазрати Алиникига совға-салом олиб келганида ул зот нарсаларни олмасдан ичкарига қириб кетибди. Анча вақтдан кейин чиқиб: «Уйимизда уч кунлик озиғимиз бор экан, бундай ҳолатда эҳсон олишимиз дуруст эмас, қўлингиздаги нарсаларни бирор эҳтиёжманд одамга беринг», — дебдилар.

Биз қаноатли ва мурувватли халқнинг фарзандларимиз. Оғир йилларда бир-бировларига таскин бериб, "битта майизни қирқ бўлиб еган" миллатдошларимиз билан ғурурланса арзийди. Элимиз орасидаги чиройли одатлар, бағрикенглик фазилатлари айни Наврўз кунларида янада чуқурроқ намоён бўлади!

Кўп минг йиллар илгари яратилган "Авесто" китобида ҳам "яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга шай туриш" ҳақида сўз юритилган экан.

Демак, инсонлар қийин ҳолатга тушиб қолганларида бошқалар меҳрини ҳис этса, кайфияти кўтарилади, сўнган умидлари қайта тирилади, руҳий тушкунликдан қутулиб, руҳий бардамликка эришади!

Қачонлардир эшитганим — шеърий сатрлар хаёлимдан кечади:

Кулфатда,
зулматда,
Оғир дамларда,
Бир-бирига бўлиб
таянч ва далда,
Қўл бериши керак
инсон-инсонга,
Йўл бериши керак
инсон инсонга.

Наврўз арафасида кишиларимиз қалбларида фақат тоза ниятлар, яхшилик ва эзгулик туйғулари ҳукмрон. Ҳар бир одам эндиликда Янги кун мўъжизаларига ишониб яшамоқда. Қутлуғ айём эса юртдошларимнинг кўнгилларида ажиб хушбахтлик, ажиб кечинмаларни уйғотмоқда.

Бу — озодлик нашъаси, ҳурлик саодати, улуғ кунлар сурури!

Бу — жаннатдек ўлканинг наврўзларидан қайта-қайта баҳраманд бўлишнинг шукронаси!

Бу — йиқилганни суяб турғазиш истаги, ён-атрофдагиларга беминнат кўмаклашиш имкони!

Инсон шу нарсаларга қодир экан, демак, у ҳаётини беҳуда ўтказмай одамийлик бурчларини адо этиб яшаяпти. Демак, у ўзгалар бахти учун захмат чекиб, ўз меҳру муҳаббатини ўзгалар келажаги йўлида сарфлаяпти. Бундай кишининг ўзи ҳам чинакам бахтли. Бундай кишининг ҳар куни байрам, ҳар куни Наврўздир.

Ҳазрат Навоий айтмишлар:

Зулфу рухсор ила
комимга мени
еткурсанг,
Ҳар тунинг қадр
ўлубон, ҳар кунинг
бўлсин Наврўз...

Қадамингқутлуғ келсин Янги кун. Сен хайру саховатли, меҳр-мурувватли, диёнатли ва садоқатли инсонларнинг борар йўлларини равон қилиб, эзгупараст дилларни чоғ айла! Ёниб яшамоқ иштиёқини юракларга жо эт. Юртга тинчлик, дастурхонларга қут-барака, ҳар биримизга бахт ва шодлик келтиргил, гўзал Наврўз!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Партия ҳаёти

Пойтахтимиздаги талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида ЎзМТДП Марказий кенгаши ижодкорлар иштирокида учрашув ташкил этди.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

— Ёшлик, талабалик йилларини инсон умрининг Наврўзи дейиш мумкин. Бу давр олтинга қиёсланиши ҳам шундан. Бадиий ижод эса ҳаётга мазмун киритиб турадиган мўъжиза. Ёшликнинг ҳар бир кунида шоирлик кайфияти бор. Шу маънода бугунги тадбирни талабалар кутган учрашув десак, бўлади. Талабалар шаҳарчасининг бугунги қиёфасидан баҳри-дилимиз очилди. Бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб, сизларга ҳавасим келди, — деди партия Марказий кенгаши раиси Ҳуршид Дўстмуҳамедов.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Ортиқали Қозоқов дунёнинг етмишга яқин мамлакатида сақланаётган асарларидан бири «Наврўз»нинг яратилиши ва хорижлик санъат ихлосмандининг эътиборини тортганлиги билан боғлиқ воқеани гапириб берди. «Туркистон» газетаси бош муҳаррири, шоир Салим Ашур, ёш шоир Дониёр Мирзо ҳам шеърий асарларини талабалар эътиборига ҳавола этишди. Тадбирнинг давоми қизғин савол-жавоблар билан ўтди. Ижодкорлар талабалар билан дилдан суҳбатлашишди, асарларининг яратилиш тарихи, тақдири ҳақида сўзлашди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Тақдимот

Янги Эски шаҳар

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида "Янги Эски шаҳар" лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Илк маротаба "Эски шаҳар" лойиҳаси 2005 йилда ўтказилган эди. Бу йил "Янги Эски шаҳар" лойиҳаси тайёрланди.

Маҳалла ёшлари, ички ишлар бўлимларида рўйхатда турувчи тарбияси оғир, вояга етмаганлар орасида гиёҳвандлик, ОИТС ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, ёшларни спорт мусобақалари билан боғлиқ тадбирларга жалб этиш мақсадида лойиҳанинг қўшма дастури ишлаб чиқилди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури асосида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Шайхонтоҳур туманида ўтказилаётган мазкур лойиҳа қадрият, урф-одат ва анъана, устозшогирд концепцияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, "Мен Ватанимга хизмат қиламан" сингари бир қанча йўналишларни ўз ичига олади.

Лойиҳага тумандаги 171 минг 73 нафар ёшларнинг 10 ёшдан 27 ёшгача бўлганлари, яъни етмиш фоизи жалб этилиши режалаштирилган бўлиб, у шу йилнинг 1 мартидан декабрь ойига қадар ўтказилади.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Фармон ва ижро

ЁЛҒОШ БОБОНИНГ БОҒЛАРИ

Ривоят қилишларича, кўклам кунларининг бирида Султон Ҳусайн саройида ёлғиз ўтираверіб, зерикіб кетибди-да, анча вақтдан бери Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб ҳолидан бир хабар олиб келай деб дўсти яшайдиган жойга йўл олибди. Бориб қараса, Мир Алишер енг шимариб боғда ишлаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳусайн отидан тушиб, дўсти билан сўрашгач:

— Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кўринмай қолдингиз десам, боғбонлик қилаётган экансиз-да! — дебди.

Мир Алишер белбоғи билан пешонасидаги терни артар экан:

— Кўклам келса кўчат эк, деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олма шохларини кўпориб ташлаб, ўрнига уч-тўрт туп ёнғоқ экаяпман, — деб жавоб берибди.

— Эй дўстим-ей, қариган чоғингизда сизга боғ қилишнинг нима кераги бор. Сиз билан мен ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак, бу ёнғоқларингиз қачон ҳосилга киради-ю, сиз қачон мевасидан ейсиз? Ахир, мана шу боғдаги меваларнинг борига қаноат қилиб соя-салқинда тинчгина ҳузур қилиб ўтиравермайсизми.

— Эй, дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитмаганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, мана шу маҳаллаларимиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким уларнинг ҳам болалари учун экаяпман. Бир кун келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дарахт бўлиб ҳосил бера бошласа, одамлар унинг мевасидан татиб кўришганда "Бу боғ Мир Алишердан қолган" дейишса, шунинг ўзи мен учун ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдир, — деб жавоб берибди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳусайн Мир Алишернинг саховатига қойил қолиб унга бир ҳамён тўла тилла чиқариб берибди.

— Ана кўрдингизми, дўстим! Экаётган кўчатларим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади, — дея кулиб қўйибди Мир Алишер. Бу бир ривоят. Аммо унинг замирида нечоғли теран ҳақиқат борлиги аниқ. Бунга мисол буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг Самарқандда яратган жаннатмонанд боғлари — "Боғишамол", "Боғибаланд", "Боғимайдон", "Боғидилкушо", "Боғижаҳонаро"...

Бугунга келиб саховатли заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг довруғи етти иқлимга бориб етмоқда. Унинг яратувчилари — миришкор боғбонлар меҳнатига тасаннолар айтгинг келади. Жиззах вилоятининг чўл ҳудудлари Арнасой, Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор, Мирзачўл туманлари боғбон-фермерлари ўнлаб гектар майдонларда боғ барпо этишган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Арнасой туман кенгаши раиси Муҳиддин Нарзуллаев ҳамроҳлигида ўтган йилнинг куз кунларида тумандаги айрим фермер хўжаликлари далаларида бўлдик. "Пангат" фермер хўжалиги далаларида бўлганимизда дала бошида барпо этилган боғ ва тераклар диққатимизни тортди. Боғ оралаб юрган етмиш ёшлардан ошган нуроний отахон боғ четидаги сўрига бир пиёла чойга таклиф этди. Отахон билан узоқ суҳбатлашдик. Боғ ораладик.

— 1999 йили фермер хўжалигини ташкил этдик, — дейди Ёлғош ота Исроилов. — Мана шу жойда боғ яратдим. 230 туп ток, 40 туп анор, 40 туп анжир, минг туп терак кўчатлари экдим. Улар ҳосилга кирди. Оралаб, бемалол ўзингиз узиб еяверинг, тортинманг.

Ҳа, мевани боғдан ўзинг узиб еганга нима етсин! Ёшлик пайтлари худди шундай қилардик. Отахон ўз боғида етиштирган мева-чеваларни бозорга олиб бориб сотмас экан. Қишлоқ болаларига, кам таъминланган оилаларга улашар экан. Фермер хўжалигида ишлаётган кишилар ана шу боғ ҳосилидан баҳраманд бўларкан.

Саида Исроилова раҳбарлик қилаётган "Пангат" фермер хўжалиги барча зарур техник воситаларга эга. 35 гектар майдонда пахта, ғалла етиштирилиб, мўмайгина даромад топилаяпти.

— Дала бошида боғ ва тераксиз барпо этиб, тўғри қилган эканмиз, — дейди фермер онахон. — Беш ўғил, икки қизим бор. Барчаси уйли-жойли бўлишган. Бир этак невараларим бор. Эрта кўкламдан то кеч кузгача далада бўламиз, Ўғилларимнинг бирига дала бошидан шинамгина уй қуриб бердик.

— Ана шундай боғбон-фермерлар туманимизда кўплаб топилади, — дея суҳбатга қўшилди ҳамроҳим, кенгаш раиси Муҳиддин Нарзуллаев. — Улар, Отабек Ғойибов, Рустам Ўтабоев, Абдусалом Холиқов, Саъдулла Эшбоев... Санайберсак, ҳали бери тугамайди. Улар жуда кўп. Айни пишиқчилик пайти бозор расталари мева-чева тўлиб кетади. Арзонлигини айтмайсизми! Республикамиз Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда уни комплекс қайта ишлашни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини ва сифатини янада оширишга, зарур экспорт базасини яратишга хизмат қилади.

— Ушбу Фармон ва Қарор биз боғбонларнинг айни дилидаги гап бўлди. Мана энди бемалол боғимизни кенгайтириш, қайта ишлаш цехларини қуриш имконияти яратилди, — дейди севинч билан Ёлғош бобо.

Баҳор келди, сизни сўроқлаб, бободеҳқоним. Қалбида яратиш, яшнатиш ишқи бор киши бугун далага отланмоқда. Кўкламнинг ҳар бир нафасидан унумли фойдаланган деҳқон ютқазмайди. Ёлғош бобо ҳам елкасида кетмони билан ўз боғида, кўчат экиш, уни парваришлаш иштиёқи билан яшамоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

КЎНГИЛ ОБОД – ЮРТ ОБОД

Яқинда «Халқ сўзи» газетасида «Эшитдингизми?» рукни остида берилган бир хабар эътиборимни тортди. Унда ёзилишича, Сурхондарё вилоятининг Узун туманида яшовчи 91 ёшли Шаҳар момо ҳаж зиёратига бориш учун йиғиб юрган маблағига ўзи истиқомат қилаётган Арғимчисой тоғли қишлоғига мактаб қурдириб берибди. Замонавий жиҳозланган тўрт хонадан иборат бу илм масканида ҳозир 60 нафар ўғил-қиз таълим олаётган экан.

Аллоҳнинг назари доим инсоннинг кўнглига тушиб туради. Аслини олганда кўнгил чин маънода Аллоҳнинг уйи эмасми! Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз шундай ёзганди:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Бир кўнгли вайрон инсонга хушнудлик ҳадя этишнинг нақадар улуғ иш эканлигини шу икки мисранинг ўзи исботлаб турибди. Шаҳар момо олтмишга яқин олис манзилга қатнаб таълим олаётган болаларнинг кўнглидаги орзуни амалга оширди. Бу ишнинг савоби муқаддас ҳаж амалларини бажаришдек хайрли ва эзгу ишдир аслида. Онахон яхши ишни ёнидаги ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқаришдан бошлади.

Шунга ўхшаш воқеаларни эшитсанг, атрофингда яхшилар борлигини ҳис қилсанг, яшашга бўлган интилишинг янада ортар экан. Яқинда бир ҳамкасбим айтиб қолди, маҳалласидаги ўзига тўқ бир хонадон соҳиби тижорат ишларида ўзига ёрдам бериб юрган, ота-онадан эрта етим қолган бир йигитнинг никоҳ тўйини ўтказиб берибди. Энг савоблиси, у ўша йигитни ўғли қаторида кўриб, икки хонали уйни жиҳозлаб, ҳадя этибди. Кексайиб қолган бу киши ҳам тенгқурлари қаторида ҳаж сафарига боришни ният қилган экан. Маҳалладошлари уни энди ҳожи бува, деб чақирадиган бўлишибди.

Ривоят қилишларича, қадимда Иброҳим Адҳам исмли бир подшоҳ бўлган экан. У Аллоҳ йўлида бор мол-мулки, салтанатидан воз кечиб, Каъбатуллоҳ зиёратига йўл олибди. У тоғу тошлар, чўлу саҳролардан ўтиб, ўн тўрт йил деганда не-не машаққатлар билан Маккага етиб борса, Байтуллоҳ жойида йўқ эмиш. У нола қилиб Яратгандан бунинг боисини сўрайди. Шундай ғойибдан зиёратга келаёган бир аёлнинг саҳро этагида ожизликдан юришга мадори қолмагани, Каъба уни тавоф қилгани боргани ҳақида бир садо эшитилади. Иброҳим Адҳам қараса, Робия онамиз келаётган эканлар. Ўз меҳнат, машаққатларига ҳеч қандай мукофот кутмаган, балки илоҳий муҳаббати, эътиқоди билангина йўлга отланган Робиянинг холис ихлосига Каъбанинг ўзи таъзимга чиққан экан.

Жорий йил юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинди. Юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларидан ҳам замондошларимиз томонидан қилинаётган хайрли ишлар ҳақида хабар эшитар эканмиз, ижтимоий ҳимоя ибораси аслида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилат эканлигини яна бир бор ҳис этамиз. Зеро, ижтимоий ҳимоя бу кўнгил ободлигидир.

Халқининг кўнгли обод юрт эса кундан-кун яшнайверади.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Танлов

Дилбар – маҳалланинг намунали қизи



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ва пойтахт Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Маҳалланинг намунали қизи" кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказди.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган иқтидорли қизлар ўртасида уларнинг эстетик маданиятини ошириш мақсадида уюштирилган тадбирда 16-18 ёш оралиғидаги қизлар иштирок этдилар.

Пойтахтимизда 474 та маҳалла бўлиб, қизлар аввал маҳалла, сўнгра туман ва шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Шаҳар босқичида ҳар бир тумандан бир нафар ғолиб иштирок этиб, жами 11 нафар қизлар беллашдилар. "Пазандалик сирлари", "Байрамона соч турмаги", "Саволжавоб" сингари шартларда беллашган қизлар ўзларининг маҳорат ва билим даражаларини намоён этдилар.


Иштирокчилар орасидан Шайхонтоҳур тумани "Янги Камолон" маҳалласида истиқомат қилувчи, 34-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дилбар Каримова "Маҳалланинг намунали қизи" деб топилди ва биринчи ўринни қўлга киритди. Унга қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий савиясини ошириш, оила, маҳалла ва ватан тушунчаларини янада теранроқ англатиш бизнинг вазифамиздир, — дейди "Янги Камолон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсун Абдурайимов. — Ёшларимизнинг урф-одат ва миллий қадриятларга тўлиқ эга бўлишларига кўмаклашиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини уюштириш, қизларни ҳаётга тайёрлаш орқали ёш оилаларда келиб чиқадиган муаммоларни бартараф қилиш бизнинг олдимизга қўйилган асосий мақсаддир. Бу борада хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Меликўзиева, раис маслаҳатчиси Мафура Муҳамедова, ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси Гулбаҳор Расулова ва шоир Бобур Бобомуроднинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги танлов якуни ёшлар орасида олиб борилаётган ишларимизнинг зоя кетмаганидан далолатдир. Дилбарнинг бугунги ютуғи маҳалламизники ҳамдир.

Адиба ФАЙЗ.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Таълим ва ислоҳот

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР МАСКАНИ



Баҳорнинг энг гўзал, бетакрор байрами — Наврўз айёмини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётганлар орасида Хива тиббиёт коллежи жамоаси ҳам бор. Нафақат Хоразм вилоятида, балки республикамизда ҳам ўз мавқеига эга бўлган бу намунали билим даргоҳи бугунги кунда ёшларнинг севимли масканига айланган. Замон талабларига тўла жавоб берадиган, ўткир салоҳиятли, ўрта малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаб келаётган мазкур илм муассасасининг илғор иш тажрибалари, ўқув-тарбиявий ишлари, талабаларга яратган қулай шарт-шароитлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Унда ўқувчилар илм ва касб сирларини пухта эгаллашаяпти.

— Ҳозирги кунда ўқув даргоҳимизда тўртта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда, — дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи Равшанбек Шенязов. — Акушерлик ва ҳамширалик иши, тиш техниги, лаборатория диагностикаси бўлимларида 2000 нафар ўқувчи билим олмоқда.

Коллежимиздаги 13 та фан кафедрасида 140 нафарга яқин ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 32 нафари олий, 58 нафари эса биринчи тоифали ўқитувчилардир. Ишчан жамоамиз ёшларга таълим беришда катта ютуқларга эришмоқда. Жумладан, рейтинг тизимини ўқув жараёнига жорий этиш билан таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришаяпмиз. Яна талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот манбаларидан самарали фойдаланишлари учун ахборот — таълим ресурсини яратиб, ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга эришдик. Ўқув биносидаги фан хоналари ва лабораториялар замонавий техника воситалари, зарур жиҳозлар, компьютерлар, телевизор, магнитофон, видеомагнитофон ва бошқа анжомлар билан бойитилди. Уларнинг барчаси эндиликда маъруза ва амалий машғулотларнинг сифатини яхшилашга, самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасидаги илғор технологияларни кенг қўллашга педагогик жамоа катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда услубият хонасида "Илғор педагогик технологиялар замон талаби" маркази ташкил этилди. Бу ерда илғор педагогик технологиялар асосида ўтказилаётган амалий ва назарий машғулотларнинг видеотасмаси мавжуд. Шу билан бирга хорижий давлатларнинг таълим тизимига оид адабиётлар, ахборотларнинг ҳам кўргазмаси ташкил қилинган. Ижодкор ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи бўрчак мавжуд.

Тиббиёт коллежларида назарий ва амалий дарслар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Талаба-ёшларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаши ва амалий муолажаларни бажариши учун барча даволаш муассасаларида ўқув хоналари муҳайё этилган. Уларда замонавий усулда жиҳозланган 35 та фан хонаси ишлаб турибди.

Изланувчан жамоа ҳар бир машғулотни замон билан ҳамнафас олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Мунаввара Каримова, Айгул Матризаева, Шукуржон Абдуллаева, Назира Ҳайитбоева, Гулбаҳор Ортиқова, Зеваржон Саъдуллаева, Роҳатой Назарова, Ёркиной Абдуллаева, Муқаддас Жуманиёзова сингари моҳир педогоглар билан бирга "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони соҳибаси, услубчи Улибия Шержонова, ўрта махсус касб ҳунар таълими аълочилари Ботир Боғбеков ва Зеваржон Саидризаева, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Шарофат Отаевалларнинг фаолияти айниқса алоҳида эътиборга молик. Улар ёшларга пухта билим беришмоқда.



Устозларининг ғамхўрликларига монанд коллеж ўқувчилари ўқишда ва ҳаётда фаол бўлишга интилишмоқда. Ўз эътиқодларига содиқ қолишиб, мустаҳкам билим олиш ва касб ўрганишга бор меҳру-муҳаббатларини бахшида айлашяпти.

— Ёшлигимда оқ халатли ҳамшираларга ҳавасим келарди, — дейди коллежнинг акушерлик бўлими 4-босқич талабаси Дилобар Аллаберганова. — Ҳадемай ўқишни битириб ўзим ҳам уларнинг сафидан ўрин оламан. Бундан ортиқ бахт борми.

Ҳа, коллеж ўқувчилари Она ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиш орзуси билан яшамоқдалар. Халқимизга сидқидилдан меҳнат қилишдек олий мақсадларни кўзлашаётир. Меҳрибон ва фидойи устозлари кўмагида илм сирларини мукаммал эгалламоқдалар. Айниқса, шу кунларда уларнинг қалби чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини туймоқда. Баҳорий кайфият, Наврўз шукуҳи ёшларга битмас қувонч бағишлаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

САРИШТАЛИ БЕКАЛИККА ИМТИҲОН

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Сариштали бека» ўқув маркази ташкил топганига бир йил бўлди. Шу муносабат билан бу ерда ўқиётган қизлар иштирокида «Сариштали беканинг фариштали қизлари» кўрик-танлови ўтказилди.

Қизлар таништирув, савол-жавоб, пазандалик сирлари, саҳна кўриниши, эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар. Марказ ўқувчиларининг мавсумий либослар намойиши, хонандаларнинг чиқишлари тадбирга янада файз киритди.

Тадбир сўнгида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Нуржаҳон АВАЗОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Тадбир

ЁШЛАР БАЙРАМИ

Инсон ҳаёти меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва эзгулик билан сермазмун. Бу туйғулар дилларни бирлаштиради, кўнгилларни бир-бирига яқинлаштиради, инсон шу туйғу билангина бахтини топади. Тадбирлар ҳам қайсидир маънода кўнгилларда меҳр уйғотишга, меҳр улашишга хизмат қилади.


ЎзМТДП Навоий вилояти Навбаҳор туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбир чин маънода ёшлар байрами бўлди. Унда партия фаоллари, талаба ёшлар ва устозлар иштирок этишди. Тадбирни партиянинг вилоят кенгаши раиси Исматулла Муҳаммадиев очиб, йиғилганларни баҳор байрами — Наврўз билан муборакбод этди.

Кейин «Балли қизлар» кўрик-танлови бошланди. Иштирокчилар олтита шарт бўйича ўзларининг маҳоратлари ва билимларини синовдан ўтказдилар. Туман партия кенгаши «Ёшлар қаноти» раиси Лобар Бекмуродова партия сафидаги ёшлар билан биргаликда тайёрлаган бадиий чиқишлар тадбирга ўзгача файз киритди. Ижро этилган куй-қўшиқлар эса барчага манзур бўлди.

Беллашувда Умринисо Тўхтаева ва Элмира Полвоновларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати ва йиғилганларнинг эътирофига сабаб бўлди. Улар ғолиб деб топилди. Танлов қатнашчиларига эсдалик совғалар ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Миллий қадрият ва эзгулик рамзи



ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Н-ҳарбий қисмда «Наврўз — миллий қадрият ва эзгулик рамзи» мавзуида тадбир ўтказилди.

Уни ҳарбий қисм раҳбари Ўктам Каримов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиев йиғилганларни баҳор айёми билан табриклади.

Тадбирнинг давоми байрам концертига уланиб кетди. Бадиий қисмни «Осиё» гуруҳи карнай-сурнай наволари билан бошлаб берди.

Тадбир сўнгида ёш хонандаларга ва ҳарбий қисмдаги бир гуруҳ аскарларга партия Марказий кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Акмал РЎЗИТОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» мутахассиси.

ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ

БЕМИННАТ ЯХШИЛИКНИНГ САВОБИ КЎП

Яқинда Хоразм вилояти Қўшкўпир шаҳарчасининг 2-маҳалласида яшовчи Илҳомбой Искандаровнинг хонадонида мўъжазгина никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Меҳмонлар Гулбаҳор опанинг ҳамма ишга бош-қош бўлиб юрганини кўришиб, ҳа энди, маҳаллага раис бўлгандан кейин вазифасида, деб ўйлашди. Аммо бунинг бошқа сабаби ҳам бор экан.

Илҳомбой шу маҳаллада ўсиб-улғайди. У чаққон, уддабурон йигит. Отаси вафот этгач, укаларига бош бўлди. Барибир отанинг ўрни бўлакча экан. Унинг меҳрини қўмсаб ўртанганлари бир бўлса, бир томондан моддий жиҳатдан ҳам бироз қийналиб қолдилар. Бу оиладан кўнгил сўраб юрган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Султонова Илҳомбой билан бўлган суҳбатларнинг бирида унинг хорижга бориб ишлаш истагини эшитиб шундай деди:

— Ўғлим, сен оилада катта фарзандсан, онангга суянчиқ бўлиб, укаларингга бош бўлиб юришинг керак. Мусофирчиликда юриб, қийналиб қайтиб келаётганлар қанча...

Гулбаҳор опа панд-насиҳат қилиб, Илҳомбойни "Аннамурод-Йўлдош" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига ишга жойлаштирди. Кейинчалик фирмадагилардан Илҳомбойнинг кўнгил қўйган қизи борлиги, бироқ камхарж бўлиб юргани учун тўй бошлашга журъат қилолмаётганлигини эшитиб қолди. Эшитди-ю, дарҳол йигитнинг уйига бориб унинг онаси билан шу ҳақда гаплашди. Битта қарорга келишгач, кудалар билан маслаҳатлашиб тўй кунини белгилашди. Тўйга кетадиган сарф-харажатларни эса Гулбаҳор опа ўз зиммасига олди.

— Гулбаҳорга раҳмат, шунча савоб олди, йигитнинг отаси йўқлигини билдирмади. Чиройли тўй ўтказишга ёрдам берди, — дейди маҳалланинг кекса онахонларидан Пошшахон ая.

Гулбаҳор опа Ижтимоий ҳимоя йилини ана шундай хайрли иш билан бошлади. Бу тўйдан сал олдинроқ, тўғрироғи янги йил байрами нишонланадиган куни маҳалла фаоллари билан ёши улуғларнинг ҳолидан хабар олгани уларнинг хонадонларига борди. Катта қозонда ош дамлатиб 100 кишини меҳмон қилди. Базмга келолмай қолган 106 ёшли табаррук онахон Розияжон аяни эса бир олам совғалар билан йўқлади. Маҳаллада яшовчи боқувчисини йўқотган 11 хонадонга ўз ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди.

— Гулбаҳор опа кўп йиллар бизнинг мактабда ишлаганлар, — дейди 2-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Муҳаббат Жуманиёзова. — Ҳозир ҳам ўтказадиган тадбирларимизда фаол қатнашиб туради, кўпинча кўрик-танловларга ҳомийлик қилади. Яқинда бўлиб ўтган саводхонлик кечасида болажонларга совғалар улашди. Биз — ёшлар шундай эзгу фазилатли кишилардан яхшиликни, саховатни ўрганамиз.

Бу аёл биронта байрамни маҳалладошларисиз нишонламайди. Айниқса, Наврўз байрами маҳаллада кўтаринки руҳда ўтади. Байрам кунларида халқимизнинг гўзал анъана ва қадриятлари албатта эсланади.

— Маҳалламизда 700 дан зиёд хонадон жойлашган, шулардан 200 га яқини кам таъминлан оилалардир. Уларнинг ҳолидан хабар олиб турамиз, ҳукуматимиз томонидан бериладиган ёрдам пулларини ўз эгаларига берамиз. Бундан ташқари, уларни байрамларда йўқлаб турамиз, бу инсонийлик бурчимиздир, — дейдилар опа.

Гулбаҳор Султонова Шовот туманидаги ўрта мактабни тугатиб, Урганч давлат педагогика институти бошланғич таълим факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Худди шу йили Қўшкўпир туманига келин бўлиб тушди. Ҳам оилада, ҳам ўқишда, ҳам ишда... Бу давр унга кўп нарсаларни ўргатди. Мактабда етакчи, кейинчалик эса болалар боғчасида тарбиячи, 1981 йилдан эса 2-мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари бўлиб ишлайди. У ҳамиша фаолликка интилди, фидойилик, жонкуярлик билан ишлади. Мактабда ишлаганида энг яхши етакчи, боғчада ишлаганида эса энг яхши тарбиячи деб тан олинди. Мактабда ишлаб орттирган тажрибалари туман, вилоят миқёсида оммалаштирилди. 2000 йилда уни иккита маҳаллага етакчи қилиб сайлашди. 2003 йилдан буён маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Гулбаҳор опа тўрт ўғли, келинлари, набираларининг камолини кўриб, умр йўлдоши Қурбонбой ака билан уларни дуо қилиб яшамоқда.

— Ўғилларим тадбиркорлик билан шуғулланишади. Уларга ҳазрат Навоийнинг "Саховатсиз киши эр сонида эмас", — деган сўзларини кўп айтаман, — дейди суҳбатдошимиз. — Қўлингизда маблағ бор экан, ёнингиздаги муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиб туринг, дейман. Бировга сездирмай, беминнат қилинган яхшиликнинг савоби кўп бўлади.

Фарзандлари, кўпчилик маҳалладошлари унинг маслаҳатини олиб иш тутишга одатланишган. Шунинг учун бўлса керак, опанинг ҳар бир куни эзгулик билан ўтади.


Мехрибон ТИЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши раиси.

БУ ОЛАМДА НАВРЎЗ КАБИ САМАРҚАНД ҲАМ ҚАДИМДИР

Буюк соҳибқирон Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқанд ўтмиши буюк, бугуни нурафшон, келажаги порлоқ шаҳардир. Бу йил қадимий ва навқирон шаҳримиз чиндан-да байрамлар оғушида жилоланди.

Римга тенгдош Самарқанднинг
2750 йиллиги муносабати билан учрашувлар,
тантаналар ҳам бошланиб кетган. Насиб этса,
ҳақиқий байрам Мустақиллигимизнинг
16 йиллиги тантаналари билан уйғунлашиб
кетади. «Шарқ тароналари» Самарқанддан
таралиб оламни мафтун этади.
«Самарқанд шаҳри куни» ҳам ҳар йилгидек
меҳнат зафарларимиз билан
ҳамоҳанг бўлади.

***Жамоамиз аъзолари барча
юртдошларимизни, азиз меҳмонларни
Наврўзи олам билан самимий
қутлайди! Гардишида қуёш
жилоланган Самарқанд нонлари
тафтидек ҳароратли туйғулар
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!***



«Самарқандпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамияти жамоаси

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

ТУРОН БАНК ЖАМОАСИ


Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини энг гўзал, бетакрор айём — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.



Азиз юртдошлар, айём кунларида барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БАЛИҚЧИ ТУМАНИДАГИ
«ЧИНОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни 21 март —
Наврўз айёми билан муборакбод этади.
Кўнгиллари пахтамиздай оқ, оққўнгил фермеру
бободеҳқонларимизнинг яхши
ниятлари ушалаверсин!



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

ўз акциядорларини, мижозларини ва барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди! Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган "Ҳимоя" ва "Талаба" жамғарма омонат турларини таклиф қиламиз. Ушбу омонат турларини сақлаш муддати 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, йиллик 18 фоиз миқдорида даромад тўланади.
Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!
"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!
Омонатга қўйилган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!



O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини, акциядорларини, мижозларини ҳамда ҳамкорларини баҳор байрами — НАВРЎЗ айёми билан чин қалбдан табриклайди! Барчангизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизга муваффақият, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилайди.

Наврўз байрами арафасида Ўзсаноатқурилишбанк "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!" тамойилига амал қилган ҳолда ўз мижозларига янада қулайликлар яратиш мақсадида мурожаатлар марказини (Call-марказ) ташкил қилди.

Call-марказнинг тажрибали операторлари банк хизматлари билан қизиқувчи барча шахсларга амалдаги хизмат турлари ва уларни тақдим қилиш шартлари бўйича мукаммал маълумотлар, тушунтиришлар ва маслаҳатлар берадилар.

Шу билан бирга Ўзсаноатқурилишбанк жисмоний шахслар учун 10 дақиқа давомида хорижий валютада яқин ва узоқ хорижга тез ва ишончли пул ўтказиш ҳамда жўнатилган пулларни қабул қилиш имконини берувчи "Migom" тезкор халқаро пул ўтказиш тизими бўйича реклама акциялари бошланганлигини эълон қилади.

*Бундан ташқари, Сизларни миллий валютадаги **"Ажойиб"** муддатли омонатига бўш пул маблағларингизни банк филиалларининг барча жамғарма кассалари орқали қўйишингизни таклиф қиламиз.*
Омонатни сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоиз даромади сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади. Омонатга қўйилган маблағ учун биринчи ойига йиллик 5 фоиз, иккинчи ойига йиллик 24 фоиз ва учинчи ойига йиллик 26 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.



Сизни қизиқтирган барча тегишли масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин: (99871) 113-15-15
Ўзсаноатқурилишбанк — молия бозорида 85 йил Сиз билан!
ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!
www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

БЕРУНИЙ «ЁҒГАР» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни жонажон диёримизга зўр шодиёналар билан кириб келган Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайди.



Шу шукуҳли кунларда Сизларга узоқ умр, бахт-саодат, она Ватанимизнинг гуллаб яшнаши йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда улкан зафарлар тилайди. Айём кунларидаги қувончу шодиёналар Сизларни асло тарк этмасин.





Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

IPOTEKA BANK



Наврўзи олам муборак, Азиз юртдошлар!

Сизларни энг гўзал айём — Наврўз байрами билан мубораквод этамиз. Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилаймиз.

IPOTEKA BANK

хизматлар лицензияланган

«ЗАНГИОТАТУМАНГАЗ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси раҳбариятини, барча ходимларини, соҳа жонкуярларини, ўз истеъмолчиларини янгиланиш, яшариш фасли баҳорнинг бетакрор айёми — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.

Барча эзгу ниятларимиз сизларга бахшида бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлинглар. Мардонавор меҳнатларингизнинг роҳатини кўриш ўзларингизга насиб айласин. Хонадонларингиздан файз-барака аримасин. Сизларга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият ва ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.

Туманимиздаги табиий газ истеъмолчиларининг гулгун чеҳраларидан табассум асло аримасин. Ишчан ва аҳил жамоамизнинг беминнат хизмати уларга доимо манзур бўлаверсин.

Байрамингиз кутлуғ бўлсин, азизлар!



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» унитар корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни, мамлакатимиз меҳнат аҳлини Наврўз байрами билан

чин қалбдан табриклайди.

Азиз дўстлар!

Наврўз ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин. Хонадонингиздан файзу барака аримасин. Сизларга узоқ умр, бахт саодат, тинчлик-хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.



Олмалиқ шаҳридаги «Tash-KVA-TRANSSERVIS» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Наврўз — баҳор байрами билан барча юртдошларимизни чин дилдан қутлайди.

Баҳорнинг бу бетакрор айёми барчангизга шоду хуррамлик, бахт-саодат ва омад келтирсин. Юзларингиздан табассум аримасин, ҳамиша соғ-саломат бўлинглар.



Наврўзи олам муборак бўлсин, юртдошлар!

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Республика акциядорлик тижорат банки — «Ғаллабанк» жамоаси



Сизларни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади ва барча ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкорона меҳнатларида янги ютуқлар ва зафарлар тилайди.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Республикамиз аҳолисини Наврўз айёми муносабати билан самимий муборакбод этади.

Сиз азизларга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаган ҳолда баҳор байрами муносабати билан қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«БИНАФША» – ютуқли, сақлаш муддати **3 ой,** бошланғич бадал **10000 сўм.**
Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **1 000 000 сўм** ютуқ эгаси бўлиш имкониятига эга.

«ОФАРИН» – муддатли, сақлаш муддати **3 ой,** Бошланғич бадал **200 000 сўм.**
Фоиз даромади омонатни сақлаш муддати тугагандан сўнг қўйилган маблағ билан бирга берилади.

«ЁШ ОИЛА» — жамғарилувчи, оила аъзоларининг бирига очилади, сақлаш муддати **6 ой,** бошланғич бадал **100 000 сўм.**
Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига **фоиз даромади ҳисобланиб омонат қолдиғига қўшиб** борилади.



ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

«Андижонёғмой» очиқ акциядорлик жамияти



қутлуғ айём — Наврўзи олам билан ҳамюртларимизни муборакбод этади.
Аҳдига содиқ фермерларимизнинг яхши ният билан қадаган уруғларидан «оқолтин»имизнинг баракали хирмонлари бунёд бўлаверсин!

«Кува бўстон» хусусий фирмаси

Мустақил Ўзбекистонимиз аҳолисини 21 март — Наврўз байрами билан қутлайди. Янгиланиш, яшариш айёми ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик олиб келсин!



Пойтахтимиздаги "Янги Себзор" маҳалласида Наврўз байрами бўлиб ўтди. Сумалак солинган қозон атрофига йиғилган қизжувонларнинг шўх ялла-ю рақслари, кайвони онахонларнинг элу юртга тинчлик, фаровонлик тилаб қилган дуолари дилларга ажиб бир сурур бағишлайди. Гарчи сумалак солинган қозон бошида ухламай чиққан бўлсалар-да, аёллар руҳан бардам. Кимдир келган меҳмонларни кутиб олади, кимдир ўчоқ бошида таом тайёрлайди. Маҳалла худди катта бир оиладек гўё.



«ЯНГИ СЕБЗОР»ДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

— Сумалак бир баҳона, аслида мақсадимиз одамларни жипслаштириш, баҳамжиҳатликка чақириш, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мунира опа Солиҳова фикримизни уққандай. — Маҳалла бирдамлик ўчоғи бўлмоғи даркор. Биз маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар олдига қўйилган вазифаларнинг энг масъулиятлиси ҳам маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тинчликни қарор топтиришдир.

Шу ўринда "Янги Себзор" маҳалласи ҳақида икки оғиз сўз. Кўпқаватли иморатлардан иборат 13 та уйни ўз ичига олган маҳаллада бугунги кунда етти минг беш юз нафар аҳоли истиқомат қилади. Мунира опа Солиҳова тўрт йилдан буён шу маҳаллага раислик қилиб келмоқда. Опа таъкидлаганидек, маҳалла аҳолиси ҳар бир ишга ўзаро аҳиллик билан ёндошади.

Байрам баҳона "Янги Себзор"ликлар маҳалла тўйхонасига йиғилдилар. Маҳалла фаоллари барчани қутлуғ айём билан қутлаб, ўз дил сўзларини айтдилар. Шундан сўнг "Энг яхши уй бошлиғи", "Энг яхши йўлак бошлиғи", "Энг яхши хотин-қизлар сардори", "Энг яхши оила", "Энг ибратли қайнона" ва "Энг ибратли келин" номинациялари бўйича ғолиблар эълон қилиниб, Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Маҳалладаги 80 нафар кам таъминланган, ногирон фарзандлари бор оилаларга, якка-ёлғиз кексаларга ёрдам сифатида ҳомийлар томонидан берилган пул маблағи ўзларининг розилигига кўра шу оилаларнинг бир ойлик коммунал тўловларига тўланадиган бўлди. Айтиб ўтиш лозимки, бундай хайрли ишлар фақат байрамлар билан чекланиб қолмаган. Маҳалла ҳудудидаги 30 га яқин кичик ташкилотлар ва саховатли инсонлар ҳомийлигида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан инсонларга мурувват кўрсатишдек эзгу ишлар қилиб келинмоқда.

Зумрад ВАҲОБОВА,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Кўргазма

БАҲОР ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Наврўзи олам юрт кезмоқда. У мамлакатимизнинг барча гўшаларида кенг нишонланаяпти. Атроф кўм-кўк либосга бурканаётган бир паллада сумалак сайлига чиқишнинг гаштига не етсин.

Табиатда бўлаётган бундай уйғониш, яшариш республикамиз мусаввирларини ҳам ижод этишга ундаши табиий. Айём арафасида Ўзбекистон Бадиий академиясида Анъанавий ҳунармандчилик ва замонавий санъат фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Кўргазмада 70 дан ортиқ ижодкорлар ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат ишлари билан қатнашмоқдалар, — дейди кўргазманинг ташкилий ишлар бўйича раҳбари Равшан Эгамов. — Уларнинг ишларини қизиқарли композициялар ташкил этади. Масалан, баҳор манзараси, натюрмортлар. Ижодкорлар ўз ишларида Ўзбекистонимизнинг гўзал табиатини ёрқин ранглар билан ифода этганлар.

Кўргазмадан 200 дан ортиқ амалий санъат усталарининг турли йўналишда ишланган асарлари ўрин олган.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши 1 комплект компьютер сотиб олиш учун
тендер эълон қилади.

Тендерда иштирок этишни истовчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Навоий кўчаси 30-уй, 4-қават,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши.
Телефон: (8-371) 144-82-69.

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги

«Муродил» хусусий воситачилик савдо дўкони жамоаси

юртдошларимизни Наврўз байрами билан табриклайди. Дастурхонларимиз доимо ноз-неъматлар билан тўлиб-тошсин!





«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ» ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ИШТИРОКИДАГИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини, деҳқону фермерларни, ўз акциядорлари ва ҳамкорларини инсонпарварлик, меҳр-оқибат байрами Наврўзи олам билан табриклайди.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан ютуқлар тилайди! Айём қувончлари сизларни асло тарк этмасин.

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Rashid

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат кўлжаси

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2384
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.20